

Аутсорсинг шартлари асосида хизматларни кўрсатиш бўйича  
ШАРТНОМА № 10

Урганч шаҳри.

2022 йил «8» май.

Кейинги ўринларда Буюртмачи деб аталувчи “Урганч шаҳар 32-сон заиф эшитувчи болалар учун ихтисослаштирилган давлат мактаб-интернати” номидан Низом асосида фаолият юритувчи директори в в/б Н.Матназарова бир томондан ва кейинги ўринларда Аутсорсер деб аталувчи “Дунё жаннат гуллари” МЧЖ номидан Устав асосида фаолият юритувчи директори Я.Назарова иккинчи томондан, кейинчалик Томонлар деб аталади ушбу Шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар.

### I. Шартнома предмети

1.1. Пулли хизмат кўрсатиш Шартномасига кўра Аутсорсер Буюртмачининг топшириғи бўйича мазкур Шартноманинг 1.2-бандида қайд этилган хизматларни кўрсатиш, Буюртмачи эса ушбу хизматлар учун пул тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Аутсорсер мазкур Шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатдан бошлаб у тугагунига қадар ҳар куни мактаб интернат укувчиларини озиқ-овқат порцияларининг белгиланган меъёрлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгиланган санитария қоидалари, нормаларива гигиена нормативларига риоя этган ҳолда Буюртмачи билан келишилган таомномага мувофиқ беш маҳал иссиқ овқат билан таъминлаш мажбуриятини (кейинги ўринларда Хизматлар деб аталади) ўз зиммасига олади.

1.3. Хизмат кўрсатиш муддати: 2022 йил «8» май дан 2022 йил «31» декабргача.

1.3.1. Томонлар бажарилган ишларнинг йўғма далолатномаси ва Аутсорсер томонидан амалда кўрсатилган Хизматлар учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳисоб-фактурани имзолаганидан ҳамда Буюртмачи томонидан Аутсорсернинг мазкур шартномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига пул маблағлари ўтказилгандан сўнг хизматлар кўрсатилган деб ҳисобланади.

### II. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Аутсорсер қуйидагиларга мажбур:

2.1.1. Таомни ва тайёр маҳсулотни сифатли тайёрлаш бўйича санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига, укувчилар учун таъминот меъёрларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг таом тайёрлаш ва овқатланишни ташкил этишга тааллуқли қисмларидаги талабларга тўлиқ мос келадиган Хизматлар кўрсатиш.

2.1.2. Овқатланувчиларнинг овқатланишини ташкил этишда тегишли сифат сертификатлари билан тасдиқланган озиқ-овқат маҳсулотларидан фойдаланиш.

2.1.3. Хизматларни мазкур Шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатда ва тўлиқ ҳажмда кўрсатиш.

2.1.4. Хизматлар кўрсатиш жараёнида Аутсорсер мазкур Шартнома шартларига амал қилмасдан, овқат сифатининг ёмонлашувига олиб келган барча камчиликларни Буюртмачининг талаби бўйича бир кун давомида бепул бартараф этиш.

2.1.5. Таомни тайёрлаш жараёнига фақат белгиланган тартибда тиббий текширувдан (кўрикдан) ўтган ходимларга руҳсат этиш.

2.1.6. Ходимлар зиммасига Буюртмачининг ҳудудида одоб-ахлоқ қоидалари, шунингдек, ички кун тартибига риоя қилиш мажбуриятини юклаш.

2.1.7. Хизматларни бевосита кўрсатиш.

2.1.8. Хизматлар нархини оширмаган ҳолда шахсий маблағлари ҳисобидан: солиқлар тўлаш;

Белгиланган тартибда у билан меҳнат шартномаси тузган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш; озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш;

озиқ-овқат маҳсулотларини савдо шохобчаларидан хизмат кўрсатиш жойигача етказиш;

совуғувчи компрессорлар ва бошқа жиҳозларни соз ҳолатда сақлаш, таъмирлаш, қайта тўлдириш; ижарага олинган бино, хона, мебель, инвентарь ва бошқаларни зарур ҳолатда сақлаш ва жорий таъмирлаш.

2.1.9. Томонлар имзолайдиган тегишли қабул қилиш-топшириш далолатномаси ва алоҳида ижара шартномасини расмийлаштирган ҳолда Буюртмачидан ишлаб чиқариш хоналари, жиҳозлар ва опхона мебелини қабул қилиб олиш.

2.1.10. Мазкур Шартномани бекор қилиш ҳақида Буюртмачини бир ой олдин ёзма равишда

огоҳлантириш, ушбу муддат тугагунига қадар эса Буюртмачи шахсий таркибининг овқатланишини узлуксиз ташкил этишни таъминлаш.

2.2. Буюртмачи қуйидагиларга мажбур:

2.2.1. Бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматлар учун амалдаги нархлар бўйича бир ойда камида бир марта Хизматлар ҳақини тўлаш.

2.2.2. Аутсорсерга укувчиларнинг овқатланишини ташкил этиш учун ижара шартномаси доирасида «ноль» ставкаси бўйича ошхоналарнинг жиҳозлари ва мебель анжомларини вақтинча фойдаланишга бериш. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 02 майдаги 132-сонли қарорининг 1-илоvasи 49-бандига асосан таълим муассасаси ошхонасида озиқ-овқат маҳсулотлари ва таомларни тайёрлаш ҳамда сақлаш сарфланадиган газ, сув ва электр энергияси учун тўловлар алоҳида ўрнатиладиган ҳисоблагичларнинг кўрсаткичлари асосида, ижарага олувчи ҳисобидан қопланади.

2.2.3. Томонлар имзолайдиган тегишли қабул қилиш-топшириш далолатномаси расмийлаштирган ҳолда Аутсорсерга ошхоналарнинг ишлаб чиқариш хоналари, жиҳозлари ва мебелини топшириш.

2.2.4. Мазкур Шартномани бекор қилиш ҳақида Аутсорсерни бир ой олдин ёзма равишда огоҳлантириш.

2.3. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Аутсорсинг усулида овқатлантиришни амалга ошириш учун қўйилган талаблар бажарилишини ўрганиш;

тайёр таомлар сифатининг таомномага мувофиқлигини текшириш;

тайёр таомларнинг миқдори, мазаси, таркибидаги маҳсулотларнинг сифати бўйича камчиликлар аниқланган ҳолатда Комиссияга билдирги киритиш;

харид қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотлари ва тайёрланаётган таомлар, уларда фойдаланиладиган технологик санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мослигини, ошхоналар ходимларининг санитария-гигиена талаблари ва эпидемияга қарши тадбирлар бажарилишига риоя этилишини тасдиқланган режага асосан тегишли ваколатли мутахассилари иштирокида ўрганиш.

Бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

### **III. Шартноманинг нархи ва ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби**

3.1. Мазкур шартнома бўйича аутсорсер томонидан бажариладиган, ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ва пудратчининг бошқа харажатларини уз ичига олган ҳолда ҚҚС билан жорий нархларда 491,244,000.00 (тўрт юз тўқсон бир миллион икки юз қирқ тўрт минг) сўмни ташкил этади.

3.2. Аутсорсерга шартнома суммасининг 30 фоиз миқдоридаги тўлов 147.373.200 (бир юз қирқ етти миллион уч юз етмиш уч минг икки юз) сўм олдиндан шартнома тузилган кундан 5 (беш) банк куни ичида ўтказилади.

3.3. Аутсорсер томонидан кўрсатилган хизматлар учун ўзаро ҳисоб-китоблар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматларнинг амалдаги қиймати бўйича 70 фоиз миқдорида ҳақиқатда кўрсатилган хизматлар суммасидан келиб чиқиб ойда бир марта, бироқ ҳар ойининг 27 санасигача ўтказилиши шарт.

3.3.1. Овқатланадиган бир киши учун кўрсатиладиган хизматларнинг амалдаги нархи Аутсорсер етказиб берувчидан харид қилган ва тегишли меъёрлар бўйича тасдиқланган озиқ-овқат маҳсулотларининг амалдаги нархи (Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари баённомаси билан расмийлаштирилган, баённомаларда кўрсатилган озиқ-овқат маҳсулотлари пархидан баланд бўлмаслиги керак) овқатланувчиларнинг сонига кўпайтириш йўли билан Буюртмачи томонидан белгиланади. Ҳосил бўлган якуний сумма 20 фоиз устама ҳақи миқдорида кўпайтирилади (яъни, умумий сумма аутсорсернинг 20 фоизлик устама ҳақида кўпайтирилади).

3.3.2. Овқатланувчиларнинг амалдаги сони ҳақидаги маълумотлар ва овқатланадиган биркишига кўрсатиладиган хизматларнинг амалдаги нархи асосида Буюртмачи кундалик таомномага (озиқ-овқат маҳсулотларининг тақсимотига) мувофиқ Аутсорсер билан биргаликда ҳар ойда тўланиши лозим бўлган суммани кўрсатган ҳолда бажарилган ишларнинг йиғма далолатномасини тузади ва ҳисоб-фактурани расмийлаштиради ҳамда улар Аутсорсер раҳбари ва мактаб-интернат директори томонидан имзоланади.

3.3.3. Буюртмачи томонидан амалда кўрсатилган хизматлар нархи белгиланган тартибда

расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактура олинган вақтдан бошлаб 10 банк куни давомида Шартномада белгиланган суммадан ортиқ бўлмаган миқдорда тўланади.

3.3.4. Мазкур Шартномага 1-иловада кўрсатилган Шартнома прогноз суммасини ҳисоблаш учун озик-овқат маҳсулотларининг нархлари ўзгарганда ёки бошқа асосли ҳолатларда Томонлардан бирининг ташаббуси билан бир ойда бир марта қайта кўриб чиқилиши мумкин.

#### **IV. Томонларнинг жавобгарлиги**

4.1. Тарафлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, бу тараф:

бошқа тарафга етказилган зарарни тўлайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, ушбу Қонунда, ўзга қонунчилик ҳужжатларида ва шартномада назарда тутилган тартибда бошқача тарзда жавобгар бўлади.

4.2. Аутсорсер Буюртмачи шахсий таркибининг овқатланишини ташкил этиши бўйича Шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажармаган ҳолатларда Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорига пеня тўлайди. Бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар ойлик қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

4.3. Етказиб берилган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун сотиб олувчи (буюртмачи) етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорига, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорига пеня тўлайди.

Пеня (жарима) тўлаш Томонларни зиммасидаги мажбуриятларини бажаришдан ёки бузилишларни бартараф этишдан озод қилмайди.

#### **V. Мунозарали вазиятларни ҳал этиш тартиби**

5.1. Мазкур Шартномани бажаришда юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар имкон қадар Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этилади.

5.2. Низолар ва келишмовчиликларни Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этиш мумкин бўлмайдиган ҳолатларда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган келишмовчиликларни суддан олдин бартараф этиш тартиб-таомили амалга оширилгандан сўнг улар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун судга берилади.

#### **VI. Форс-мажор ҳолатлар**

6.1. Томонлар мажбуриятларнинг қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар бундай ҳолат енгиб бўлмас куч, яъни табиий офатлар, табиий ва техноген тусдаги фавқулудда ҳолатлар оқибати ҳисобланса, жавобгарликдан озод қилинади. Бунда мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати мутаносиб равишда ушбу ҳодисалар рўй берган муддатга орқага сурилади.

#### **VII. Яқунловчи қондалар**

7.1. Ушбу Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат улар ёзма шаклда расмийлаштирилиб, Томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади. Мазкур Шартномага барча иловалар унинг ажралмас қисмини ташкил этади.

7.2. Томонларнинг ҳеч бири мазкур Шартнома бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа Томоннинг ёзма шаклдаги розилигисиз бирор-бир учинчи томонга бериб юбориши мумкин эмас.

7.3. Ушбу Шартнома икки нусхада тузилган. Иккала нусха айна-бир хил бўлиб, бир хил юридик кучга эга. Томонларнинг ҳар бирида мазкур Шартноманинг бир нусхаси бўлади.

#### **VIII. Шартноманинг амал қилиш муддати**

8.1. Ушбу шартнома икки томонлама имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

8.2. Шартнома муддати тугагандан сўнг, томонлар келишган ҳолда шартнома муддатини келгуси йилга узайтиришлари мумкин.

**IX. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари**  
**«Аутсорсер»** **«Бюртмачи»**

<b>“Дунё жаннат гуллари” МЧЖ</b>	<b>“Урганч шаҳар 32-сон заиф эшитувчи болалар учун ДИМИ”</b>
Манзили: Хоразм вилояти, Урганч шаҳар, Бобур кўчаси, 97 уй.	Манзили: Хоразм вилояти, Урганч шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 31/1-А уй.
Тел/факс: 91-919-44-41	Тел/факс: 2282524
Х/р: 20208000900854248001	Х/р/: 100021860334017092400075002
СТИР: 305389944	ИНН 305277782                      ОКОНХ: 85310
МФО 00581	<b>Молия вазирлиги Ғазначилиги</b>
АТБ “Асака банк” Урганч филиали	Ягона Ғаз ХР 23402000300100001010
	Банк: Марказий банк Ташкент ш бош ХКММ
	МФВ: 09014      ИНН: 201122919



Я.Назарова

(Имзо)



в в/б Н.Магназарова

(Имзо)

*Асака*  
 Хуқуқшунос:  
 (Имзо)( Ф.И.О.)

*К. Керимов*

## МА Ё Л У М О Т Н О М А

Урганч шаҳар 32-сон заиф эшитувчи болалар учун ихтисослаштирилган давлат мактаб-интернати тендер (танлов) натижалари асосида etender.uzex.uz сайтида “Аутсорсер” “Дунё жаннат гуллари” МЧЖ билан озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олишда шартнома тузилиб, программада техник насозлик узилишлар ва касаллик варақасида бўлганлигим сабабли 491 244 000 (тўрт юз тўқсон бир миллион икки юз қирқ тўрт минг) сўмлик шартномани вақтида жойлаштириб бўлмади.

Мактаб-интернат  
бош ҳисобчиси



Ғ.Жуманиязов

« 8 » июль 2022 йилдаги №10- ШАРТНОМАГА  
И Л О В А

Буюртмачи:

Урганч шаҳар 32-сон давлат мактаб-интернаги

Бажарувчи:

Дунё Жаннат Гуллари МЧЖ

№	Товар ва хизматлар	Ўлчов бирлиги	Ўқувчи сони	Кунлар сони	Жами хизмат сони	Битта хизмат нархи	Умумий қиймати
1	Ўқувчига 5 маҳал овкатланиш овкат пули-сентябрь ойи учун	хизмат	201	23	4623	26 000	120 198 000
2	Ўқувчига 5 маҳал овкатланиш овкат пули-октябрь ойи учун	хизмат	201	25	5025	26 000	130 650 000
3	Ўқувчига 5 маҳал овкатланиш овкат пули-ноябрь ойи учун	хизмат	201	22	4422	26 000	114 972 000
4	Ўқувчига 5 маҳал овкатланиш овкат пули-декабрь ойи учун	хизмат	201	24	4824	26 000	125 424 000
	<b>Жами:</b>						<b>491 244 000</b>

Жами тўлов: 491 244 000 (тўрт юз тўқсон бир миллион икки юз қирқ тўрт минг)сўм



"АУТСОРСЕР"



"Буюртмачи"

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 108198 на приобретение Аутсорсер хизмати (Беш махал иссик овкат билан таъминлаш)**

Способ проведения электронный

Дата 01.07.2022

Время рассмотрения 01.07.2022 21:42

Конкурсная комиссия Урганч шаҳар 32-сонли заиф эшитувчи болалар учун ихтисослаштирилган давлат мактаб интрнати, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	MATNAZAROVA NASIBA BATIROVNA	Директор	мактаб
<b>Секретарь комиссии</b>	JUMANIYAZOV G'ULOMJON SULTANOVICH	Бош хисобчи	мактаб
<b>Член комиссии</b>	QURBANOV SANJARBEK XUDOYBERGANOVICH	MMIBDO'	Мақтаб
<b>Член комиссии</b>	SAPAROVA ANAXON DAVLATYAROVNA	kadr	Мақтаб
<b>Член комиссии</b>	MATCHANOV BARDIBAY JUMANAZAROVICH	zavxoz	мактаб
<b>Член комиссии</b>	NAZAROVA IRODA BAXRAMOVNA	shifokor	мактаб

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 01.07.2022 года № лота 108198.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 100.00 / Весовой коэф. ценовой части: .00)

Мин. балл: 70

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуги по аутсорсингу приготовления еды</b>
Подробное описание	сифатли
Количество товара	4 623.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	29 000.00
Стартовая сумма	134 067 000.00
Валюта	UZS

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуги по аутсорсингу приготовления еды</b>
Подробное описание	сифатли
Количество товара	4 824.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	29 000.00
Стартовая сумма	139 896 000.00
Валюта	UZS

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуги по аутсорсингу приготовления еды</b>
---	--

Подробное описание	сифатли
Количество товара	4 422.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	29 000.00
Стартовая сумма	128 238 000.00
Валюта	UZS

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуги по аутсорсингу приготовления еды</b>
Подробное описание	сифатли
Количество товара	5 025.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	29 000.00
Стартовая сумма	145 725 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Молиявий аҳволи барқарорлиги, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО DUNYO JANNAT GULLARI</b>	10	Мавжуд	10	Экспертная		
<b>„Zalotoy Oryol“ M.CH.J</b>	10	Barqaror	10	Экспертная		
<b>FAST FOZILJON MCHJ</b>	10	Маълумотнома	10	Экспертная		
<b>"URGANCH UMUMMUHANDIS" жк</b>	10	мавжуд	9	Экспертная		
<b>ООО SIFAT TAOM TA'MINOT</b>	10	Маълумотнома мавжуд	9	Экспертная		

Критерий №2 Аутсорсинг хизмати бўйича камида уч ойлик шартнома суммасига тенг айланма маблағларига эга бўлиши;

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>OOO DUNYO JANNAT GULLARI</b>	10	Мавжуд	9	Экспертная		
<b>„Zalatoy Oryol“ M.CH.J</b>	10	Moliyaviy holat	10	Экспертная		
<b>FAST FOZILJON MCHJ</b>	10	Маълумотнома	10	Экспертная		
<b>"URGANCH UMUMMUHANDIS" жк</b>	10	мавжуд	8	Экспертная		
<b>OOO SIFAT TAOM TA'MINOT</b>	10	мавжуд	7	Экспертная		

Критерий №3 Давлат муассасаларида аутсорсинг хизматларини (беморларни иссиқ овқат билан таминлаш) кўрсатганлиги бўйича қўшимча маълумотнома (қайси муассасаларда, қачон, қандай хизмат тури ва хизмат кўрсатган муассасадан тавсифнома);

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>OOO DUNYO JANNAT GULLARI</b>	20	Мавжуд	19	Экспертная		
<b>„Zalatoy Oryol“ M.CH.J</b>	20	Tavsiyanoma,ma'lumotnoma	9	Экспертная		
<b>FAST FOZILJON MCHJ</b>	20	Тавсияномалар	14	Экспертная		
<b>"URGANCH UMUMMUHANDIS" жк</b>	20	мавжуд	10	Экспертная		
<b>OOO SIFAT TAOM TA'MINOT</b>	20	мавжуд	10	Экспертная		

Критерий №4 Иш тажрибаси, тегишли молиявий, моддий-техника ва логистика базаси ҳамда умумий иш фаолияти тўғрисида маълумотнома тақдим қилиш

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>OOO DUNYO JANNAT GULLARI</b>	20	мавжуд	19	Экспертная		
<b>„Zalatoy Oryol“ M.CH.J</b>	20	Ish tajribasi	7	Экспертная		
<b>FAST FOZILJON MCHJ</b>	20	Маълумотнома	18	Экспертная		
<b>"URGANCH UMUMMUHANDIS" жк</b>	20	мавжуд	10	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО SIFAT TAOM TA'MINOT</b>	20	маълумотнома мавжуд	10	Экспертная		

Критерий №5 Қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият тури лицензия ёки рухсатнома талаб этадиган фаолият турлари бўйича лицензияга ёки рухсатномага эга бўлиши

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО DUNYO JANNAT GULLARI</b>	10	мавжуд	10	Экспертная		
<b>„Zalotoy Oryol“ M.CH.J</b>	10	Mavjud guvohnomalar, taqdim qilindi	3	Экспертная		
<b>FAST FOZILJON MCHJ</b>	10	Маълумотнома	10	Экспертная		
<b>"URGANCH UMUMMUHANDIS" жк</b>	10	мавжуд	10	Экспертная		
<b>ООО SIFAT TAOM TA'MINOT</b>	10	мавжуд	10	Экспертная		

Критерий №6 Аутсорсер томонидан ишлаб чиқилган ҳафталик тасдиқланган таомнома (Буютмачи томонидан кўрсатилган таомлар асосида таомнома тузилади);

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО DUNYO JANNAT GULLARI</b>	20	Мавжуд	17	Экспертная		
<b>„Zalotoy Oryol“ M.CH.J</b>	20	Таомнома	18	Экспертная		
<b>FAST FOZILJON MCHJ</b>	20	Таомнома ва калкуляция 7 кун	16	Экспертная		
<b>"URGANCH UMUMMUHANDIS" жк</b>	20	мавжуд	2	Экспертная		
<b>ООО SIFAT TAOM TA'MINOT</b>	20	мавжуд	16	Экспертная		

Критерий №7 Тадбтиркорлик субъектининг устави таъсисчиси, давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома;

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО DUNYO JANNAT GULLARI</b>	10	мавжуд	10	Экспертная		
<b>„Zalatoy Oryol“ M.CH.J</b>	10	Firma hujjatlari taqdim qilindi	10	Экспертная		
<b>FAST FOZILJON MCHJ</b>	10	Устав-гувохнома	10	Экспертная		
<b>"URGANCH UMUMMUHANDIS" хк</b>	10	мавжуд	10	Экспертная		
<b>ООО SIFAT TAOM TA'MINOT</b>	10	Устав ва Гувохнома Мавжуд	10	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
<b>ООО SIFAT TAOM TA'MINOT</b>	547 926 000.00	452 397 936.00 UZS	452 397 936.00	00.00	452 397 936.00	01.07.2022 17:40:07	00.00
<b>FAST FOZILJON MCHJ</b>	547 926 000.00	290 211 840.00 UZS	290 211 840.00	00.00	290 211 840.00	01.07.2022 14:56:33	00.00
<b>ООО DUNYO JANNAT GULLARI</b>	547 926 000.00	491 244 000.00 UZS	491 244 000.00	00.00	491 244 000.00	30.06.2022 21:37:00	00.00

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
<b>"URGANCH UMUMMUHANDIS" хк</b>	Не прошел	Не прошел	Не прошел
<b>ООО SIFAT TAOM TA'MINOT</b>	72	0	72
<b>„Zalatoy Oryol“ M.CH.J</b>	Не прошел	Не прошел	Не прошел
<b>FAST FOZILJON MCHJ</b>	88	0	88
<b>ООО DUNYO JANNAT GULLARI</b>	94	0	94

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 108198 от 01.07.2022 года на приобретение Аутсорсер хизмати (Беш махал иссиқ овқат билан таъминлаш) определила победителем:

ООО DUNYO JANNAT GULLARI  
305389944

и резервный исполнитель: FAST FOZILJON MCHJ (306304074)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Председатель комиссии</b>	MATNAZAROVA NASIBA BATIROVNA	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	QURBANOV SANJARBEK XUDOYBERGANOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	SAPAROVA ANAXON DAVLATYAROVNA	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	MATCHANOV BARDIBAY JUMANAZAROVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	NAZAROVA IRODA BAXRAMOVNA	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП